

8
11221

ВОҲИД ЗОҲИДОВ



НАФОСАТ
ИЖОДКОРИ

8

11221

ВОҲИД ЗОҲИДОВ

НАФОСАТ И ЖОДКОРИ

(ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ)

Д-2/

68 ФЕВРАЛ 1988
473-39

Адабиётимизнинг йирик вакилларида бири, шоир, оташин публицист, романист, адабиётшунос олим Шароф Рашидовнинг ижоди жуда ҳам серқирра ва маҳсулдордир. Бу маҳсулнинг таҳлилини бир неча китобларгагина сифдириш мумкин, ҳозиргача анчагина асарлар ёзилди ҳам¹.

Мен бу рисолада унинг баъзи асосий ҳамда принципиал, белгилловчи ва специфик томонлари, фазилатлари ҳақида дил сўзларимизгина айтмоқчиман.

Автор.

¹ Чунончи. Б. Брайнина — «Ғолиблар ҳақида повесть» („Ғолиблар“ повестига сўз боши, Тошкент, 1953); Ҳомида Ёқубова — «Сувсизликин енгган ғолиблар» („Шарқ юлдузи“, № 2, 1954); Г. Владимиров — «Санъаткор ва халқ» („Звезда Востока“, № 2, 1960); И. Султонов — «Халқ қудрати ҳақида роман» („Қизил Ўзбекистон“, 1959 йил, 25 январь); В. Абдуллаев, Х. Дониёров, С. Мирзаев — «Шилдаткор одамлар қисаси» („Шарқ юлдузи“, № 2, 1960); Н. Гринберг — «Доний ҳаракат принципи» („Знамя“, № 8, 1959); А. Аббасов — «Адиб ва замонавийлик» („Фан“ нашриёти, Тошкент, 1964); Абдулла Олимжон — „Шароф Рашидов ижоди“, („Адабиётни севиб“ китобида — Ўзадабийнашр, Т., 1963 й.)

МУҚАДДИМА УРНИДА

Бепоен Ватанимиздаги бошқа халқлар каби, ўзбек халқи ҳам катта маданий, шу жумладан бой адабий меросга эга. Бу маданият ўз бошланғичини жуда қадим замонлардан олади. Асрлар мобайнида унинг улкан вакиллари умумбашарий аҳамиятга эга бўлган бадиий бойликлар яратдилар ва дунё маданияти хазинасига муҳим ҳисса қўшдилар.

Булар орасида Алишер Навоий алоҳида ўринни эгаллайди.

Қўп асрли ўзбек адабиётининг илғор намояндалари ўта оғир шароитларда гуманистик, халқпарварлик ва Ватанни ардоқлайдиган ғояларни тараннум этдилар, юксак инсоний севги ва садоқатни куйладилар, феодал-клерикал тескаричиликка ва унинг вакилларига қарши, ғайри инсоний хулқ-атвор ва талон-торожларга қарши курашдилар, халқлар дўстлиги, тинчлиги ва осойишталигини орзу ва мадҳ этдилар, миллион-миллион мазлумларнинг озодлиги ва фаровонлиги ғоясини куйладилар. Улар халқни юксак эстетик идеаллар руҳида, зулм, зулмат ва зўравонларга қарши кураш руҳида, инсон номи ва моҳиятига мос ҳаёт яратишга интилиш руҳида тарбияладилар.

Ҳа, узоқ давом этган курашлар оқибати ва сабоқлари натижасида халқнинг онги ва революцион ҳаракати ўса ва мукаммаллаша борди. Шу билан тақозо қилинган ҳолда ва шунинг бадий ифодаси тарзида унинг адабиёти ҳам, бу адабиётнинг мазмуни ҳам чиниқа ва камолотга эриша борди. Бу процесс, ниҳоят, шу даражага етиб келдики, халқни бу адабиёт революцион руҳда тарбиялашда, революцияга тайёрлашда, шу халқ томонидан революцияни амалга оширишда иштирок этди, ўзи ҳам янги мазмунга ҳамда янги шакл ва жанрларга эга бўлди — янги адабиёт майдонга келди ва ривож топа бошлади.

Шундай қилиб, асрлар мобайнида ривожланган илғор тенденциялар ўз мантиқий тараққиётида янги сифат касб этди. Тасодикий эмаски, революцияга қадар ўз ижодини классик адабиёт йўсинида бошлаган ва давом эттирган Ҳамза Ҳакимзода Ииёзий Улуғ Октябрь революцияси арафасида, пайтида ва ундан кейин янги адабиётни бошлаб берди ва уни ривожлантирди.

Дарҳақиқат, энг илғор асрий орзуларни амалга оширишга қаратилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиздаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, адабиётда ҳам янги даврни бошлаб берди — замонамизнинг энг илғор марксча-ленинча ғоялари билан қуролланган ва социалистик реализм принципларига асосланган ҳамда социализм ва коммунизм қуриш вазифалари хизматига қўйилган, ҳозирги замон адабиётидаги мавжуд барча жанрларга эга бўлган янги адабиёт майдонга келди.

Шундай қилиб, халқимиз ҳаётида бўлганидек, унинг адабиёти, умуман маданияти тарихида ҳам янги давр бошланди.

Жонажон партиямиз раҳнамолигида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қутурган ички контр-революция ва ташқи интервентларга қарши кураш, вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, саноат барпо этиш ва қишлоқни коллективлаштириш, буюк маданий революциянинг илк ва ғоят мураккаб вазифаларини амалга ошириш йилларида мамлакатимиздаги шиддатли синфий кураш ва қурилиш — яратиш ишлари билан машғул бўлган Совет адабиётимизга янги бўғин — ажойиб қобилиятли ва жанговар ёш ёзувчилар плеядаси кириб келади. Улар улкан Ҳамза ва Садриддин Айний билан биргаликда ва шулар нзидан бориб, ўзбек классик адабиётининг самарали таъсиридан баҳраманд бўлиб ва айниқса, улуг рус сўз санъатидан таҳсил олиб ўзбек совет адабиётининг мустаҳкам пойдеворини қуриш, уни барча жанрдаги асарлар билан бойитиш ишини давом эттиришда, унинг софлиги учун курашиш ва унда нартиямиз байроғини баланд кўтаришда жонбозлик қила бошладилар.

Абдулла Қодирий ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Ойбек, Уйғун, Яшин ва Абдулла Қаҳҳор, Ғайратий, Н. Сафаров, З. Фатхуллин, Шайхзода, Собир Абдулла шулар жумласидандир.

Кўп ўтмай булар қаторига, 30-йилларнинг охирларига келиб, бошқалар (Зулфия, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Ҳаким Назир ва ҳоказо), жумладан, Шароф Рашидов қўшила бошлайди.

Йиллар ўтади ва ниҳоят, ўз ижодий фаолияти-
ни область газетаси саҳифаларида тўнғич ва
кичик, «атак-чечак» характериға эға бўлган асар-
лар билан бошлаган Шароф Рашидов оқибатда
ўзбек совет адабиётининггина эмас, балки кўп мил-
латли умумсовет адабиётининг энг кўзға кўринар-
ли ва кўркем арбобларидан бириға айланади.

Бу ҳақда кейинроқ сўз кетади.

ЎЗУВЧИ БИОГРАФИЯСИДАН БИР НЕЧА ШИНГИЛ

Қадимий Самарқанд билан азим Тошкент ўртасида жойлашган ва асрий тоғтепаликлар этагида ястаниб ётган Жиззах. Деҳқон чидаб бўлмас даражадаги муҳтожлик ва ҳуқуқсизлик, таҳқир, нотинчлик, ҳўрлик ва зулмат азоби исканжасида яқингинада қўзғолон кўтарган ва вақтинчалик енгилган халқнинг, қиличдан ўтказилган минг-мингларнинг тукилган қони ҳали қотиб битмаган, оҳ-доди ва ҳайқириқларининг акс-садо-си ҳамон ҳавода, одамлар қулоғида янграмоқда. Ҳар ерда ҳал қилувчи жанглар, шиддатли кураш, зулмкорлар билан мазлумлар орасидаги олишувлар авж олмоқда, эртаги тонг шафақлари уфқда кўрина бошламоқда...

Шундай пайтда—1917 йилнинг 6 ноябрида қаттиқ қиш ва кўримсиз кулбада, камбағал деҳқон оиласида шамчироқ ёқилгандай бўлади—янги фарзанд дунёга келади. Ўзбек одати бўйича, бир ҳафта ўтгандан кейин катта умид ва орзулар билан унга Шароф деган ном берадилар.

Дарҳақиқат, бу ном бекорга қўйилмаган экан.

Шу йилнинг шу ойида туғилган Октябрь оламининг ҳайқириқли ва дабда-

бали, ҳаётбахш ва романтик пафосли йиллари, хуружлари; кўримсиз кечмиш қолдиқларини, зулм ва зулмат ҳомийларини барбод ва тор-мор этиш, халқ ва Ватан бахтини яратиш, янги ҳаёт, янги дунё бунёд этиш йиллари.¹ Зийрак Шароф совет мактаби ва таълим-тарбия техникумида аввал билагон болалардан, кейин моҳир муаллимлардан бири. Сўнгра 1937 санадан бошлаб Самарқанд Давлат университетининг тилчи ва адабиётчи мутахассислар тайёрлайдиган факультетида студент. Фаолиятида ҳамиша олға ва кенгликка интилган ғайратли студент Самарқанд область газетаси редакциясининг ишларида ҳам иштирок этади. 1941—1942 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилиб, немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган шиддатли жангларда қатнашади ва ярадор бўлиб, фронтдан қайтади. 1943—1944 йилларда Самарқанд область газетаси «Ленин йўли»нинг масъул муҳаррири бўлиб ишлайди, 1944 йил ўрталаридан то 1947 йилга қадар шу область партия комитетининг секретари вазифасида бўлади. Сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори (1947 йил, июнь—1950 йил, январь), Ўзбекистон Ёзувчилар союзи президиумининг раиси (1949 йил, июль—1950 йил, май), Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси (1950—1959 йиллар) бўлиб ишлайди, 1959 йилдан то шу вақтга қадар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасини адо этиб келмоқда, КПСС XXII съездида у партиямиз Марказий Комитети Президиумининг, кейин—Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат бўлиб сайланди.]

Шароф Рашидович Рашидов ёлғиз Ўзбекистондагина эмас, балки Совет Иттифоқи миқёсидаги, ундан ҳам кенгроқ кўламдаги жамоат, давлат ва партия арбобидир. Унинг шундай арбоб сифатидаги фаолияти кўп қиррали, унумли ва мазмундордир. Унинг бу фаолиятининг бош белги ва хусусиятларини қисқача қайд қилмоқчи бўлсак, қуйидагиларни айтиш мумкин.

1 Биринчидан, Шароф Рашидовнинг бу фаолиятида зигзаглар, паст-баландликлар, чеклиниш ва қоқилишлар бўлмади. У ҳамиша ва тўхтовсиз ҳолда юқори кўтарилаверди. Юқорида баён қилганимиздек, у Самарқанд области «Ленин йўли» газетасининг муҳбири ва редакторлигидан то Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлик даражасигача кўтарилди.

Бу ҳол Шароф Рашидовнинг ақли-заковати тилиқлиги ва чуқурлигидан, ташкилотчилик қobiliятининг зўрлигидан, партия, халқ ва Ватанга ғоят содиқлигидан, дили ҳамда нияти софлигидан далолат беради.

2 Иккинчидан, Шароф Рашидов фаолиятининг рамкаси борган сари кенгаяверади. Унинг жамоат, партия, давлат арбоблигининг аҳамияти республика ва Совет Иттифоқи доирасидан узоқларга чиқади. У ёлғиз ички масалалар билангина эмас, халқаро проблемалар, умумбашарий масалалар билан шуғулланади. Унинг бир қанча мамлакатларга бориб, ғоят катта ва муҳим учрашув, симпозиум, конференцияларда иштирок этиб, ғоят катта ва муҳим сиёсий ҳамда маданий масалаларни

муваффақиятли ҳал этишдаги улкан ҳиссаларини эсланг. Чунончи, 1958 йилда унинг раёсатлигида Тошкентда ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференциясининг қанчалик муваффақиятли бўлганини, унда туғилган «Тошкент руҳи» нақадар улкан халқаро аҳамиятга эга эканлигини эсланг!))

Бу ҳам Шароф Рашидовнинг диапазони, эрудицияси, ташкилотчилик қобилиятининг кўлами қанчалик кенг эканлигидан, ғоят мураккаб халқаро аҳволнинг моҳияти ҳамда қонуниятини, давримизнинг етакчи тенденцияларини, синфий кураш жараёнини қанчалик яхши билганлигидан шаҳодат беради.

Учинчидан, Шароф Рашидовнинг жамоат арбоблик, раҳбарлик фаолиятига хос ва энг диққатга сазовор хусусиятлардан, фазилатлардан бири шундан иборатки, у ҳамиша партия даҳоси билан иш кўришга ҳаракат қилди, одамга ишонди, халқ ақли ва қудратига ишонди, омма билан бирга бўлди, оммага суянди, муҳим масалаларни ҳал этишда маслаҳат — машварат билан иш олиб боришни, коллегияликни афзал кўрди.)

Шундай бўлгандан кейин ва шунга кўра унинг кучи, ақли, интилишлари кўпларнинг кучи, ақли, интилишлари билан қўшилиб кетди, бирликни ташкил этди ва оқибатда шу туфайли умум аҳамиятга эга бўлган кўпгина катта-катта масалалар тез ва осон ҳал этиладиган бўлди. ✕

Ў Тўртинчидан, у ҳамиша ўз практик, ташкилотчилик фаолиятини ижодчилик билан бирга олиб боришга интилди ва ҳам унда, ҳам бунда ўрнак бўларли ютуқларга эришди. ✓

Шу ерда алоҳида эътибор ва мақтовга сазовор бир нарсани қайд қилмоқ лозим.

Биринчидан, Шароф Рашидовнинг ташкилотчилик, раҳбарлик фаолиятидаги юқорида баён этилган барча яхши хусусиятлар унинг ижоди, қалами меваларида ҳам ўзининг ёрқин ва тўла бадийй ифодасини топди. Унинг асарларидаги замонавийлик, халқчиллик, партиявийлик, ҳозиржавоблик, давримиз ва кунимизнинг бош ҳамда белгиловчи масалаларини биринчи планга қўйишлик, ижобий қаҳрамонларнинг энг илғор ғоялар билан қуролланганлиги, моҳир ташкилотчилиги, қаҳрамон ва мўъжизакор совет халқининг ҳам тимсоли, ҳам узвий қисми сифатида намоён бўлиш, жанговар коммунистик ва коллективчилик хатти-ҳаракатлари шундан далолат беради.

Иккинчидан, Шароф Рашидовнинг кўп қиррали практик фаолияти, катта-катта ташкилий, қурилиш ишлари билан машғул бўлиши, ҳаммиша халқ орасида, катта ҳаёт ичида бўлиши, халқнинг улғувор ишларида бевосита ва яқиндан иштирок этиши унинг бадийй ижодининг кўп қиррали, бақувват ва том маънода реалистик, халқчил бўлишлигини таъмин этган асосий омиллардан бўлди.

Дарҳақиқат, катта ва мураккаб олам, катта ва мураккаб ҳаёт уни катта ва мураккаб, кўп қиррали ва маҳсулдор ижод оламига олиб кирди.

Яна бир ғоят муҳим масала — Шароф Рашидов ижодий фаолиятидаги ўрнатилган бўларли нарса ҳақида бир неча сўз.

Дунё илми, адабиёт ва санъати тарихида кўзга кўринарли, улкан ижодкор сиймоларнинг барчасининг юксак мартабага, улғу ютуқларга

эришишларининг асосий боисларидан бири шундан иборатки, уларнинг ҳар бири ўзларидан аввал ўтган ва ўзларига замондош бўлган улуғлар томонидан яратилган маданий бойликларни қунт билан ўрганганлар, мустақил ҳолда ўзлаштирганлар, фойдаланганлар ва шу ўта маҳсулдор заминда униб-ўсганлар, вояга етганлар, камол топганлар.

Бошқалар қатори, ўзбек совет адабиётининг бойликлари, кўркем вакиллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Уйғунлар ҳам шулар жумласидандир. Булардан бир оз кейинги бўғинга мансуб бўлган машҳурлардан бири Шароф Рашидов ҳам шундайдир, шундай заминда ўсди ва камол топди.

У болалик чоқларидан бошлабоқ она эртакларини очиқиб ва ошиқиб тинглади. У мактаб ўқувчисилик пайтларида ва Самарқанд Давлат университетининг филология факультети хоналарида ҳам, кейинги йилларда ҳам ўзбек, рус ва Европа адабиёти классиклари билан жуда қизиқади, уларнинг ижодини, ўлмас асарларини мароқ билан чуқур ўрганади, улар қолдирган жавоҳирларнинг жилваю жилосига мафтун бўлади, сабоқ олишга интилади.

Шароф Рашидовнинг классик бадиний меросга бўлган бундай чуқур ҳурмати ва актив муносабатини шу даражада бўладикки, у ўз ижодий йўли ва ахтаришларининг илк пайтларидаёқ улуғ сиймоларни синчиклаб ўрганиш билангина қаноатланмасдан, улар ҳақида дастлабки илмий мақолалар ҳам ёзади ва матбуотда эълон қилади, уларни тарғиб ва ташвиқ этади. Навоий ва Пушкин,

Лермонтов ва Горький, Чернишевский, Маяковский ва Ҳамза ҳақидаги «қалдирғоч» асарлари шулар жумласидандир. ✓

Яна бир ғоят муҳим масала — Шароф Рашидов ижодий фаолиятининг энг ўрнак бўларли фазилатларидан бири шундан иборатки, у ўзининг ёзувчилик касби — вазифасига, ўз ижодига, ўз асарларига ғоят катта масъулият билан қарайди, вақти ва меҳнатини, тунги уйқуси ва кундузги осойишталигини аямайди. Ўз ҳунарини беҳад севган, ардоқлаган ва ҳурмат қилган чиннигардай ўз қалами маҳсулини қўлидан келганча пишитишга ва чиройли қилишга ҳаракат қилади. Айниқса, бирон бир йирик асар яратгудай бўлса, тезда чиқариш учун тўппа-тўғри журналга олиб бориб бермайди, аксинча, жамоат орасига, жамоат муҳокамасига ташлайди. Фойдали маслаҳатларни мамнунлик ва миннатдорчилик билан қабул қилади, ҳисобга олади. Асар нашрдан чиққандан кейин ҳам бўладиган жамоат хоҳишларини эътиборсиз қолдирмайди — асарни сабр ва сабот билан қайта ишлайди ва қайта нашр эттиради.

Хуллас, фойдали маслаҳатдан ранжимади, койинмайди, нуқсонини тан олишдан қўрқмайди, тўзатишдан тортинмайди — асарнинг янада яхши бўлишини таъмин этишни ор эмас, бурч деб билади.

Юқоридаги айтилганларга мисол тарзида қуйидаги фактни келтиришгина етарли бўлса керак:

✓ «Бадий асарда жуда кўп турли-туман воқеаларни, баъзида бир-бирига алоқаси бўлмаган воқеаларни тасвир этавериш типик шароитда типик характер яратишга хизмат қилмаслигини, балки ҳалал беришини мен ҳам ўз тажрибамда кўрдим...

Адабиётимизнинг чинакам жонкуяри бўлган ўртоқлар «Ғолиблар» асарида жуда кўп воқеалар тасвирланганини, бу воқеаларнинг айримлари қаҳрамонларнинг ички дунёсини очишга, характерларни яратишга ёрдам бермай, аксинча халал берганини кўрсатдилар. Дўстларнинг бу истакларини билдириб ёзган мактубларида жуда фойдали таклифлар, қимматли фикрлар мавжуд эди.

Повестнинг қўл ёзмасини қайта-қайта ўқирканман, ёзувчи ва танқидчи ҳамда айрим партия ходимларининг фикрлари ва таклифлари нақадар фойдали эканлигини пайқадим ва асарни қайта ишлашга киришдим. Асарнинг сюжет йўлини қатъиян планлаштириб, кераксиз воқеаларни, эпизодларни чиқариб ташладим. Қаҳрамонларнинг ички дунёсини кўрсатишга, ёрқин характерларни яратишга кўмак берадиган воқеаларнигина танлаб, асарни бутунлай қайта ишладим»¹. ✓

Адабиётни, ўз ижодини ва ўқувчисини севган, ҳурмат қилган ҳақиқий санъаткоргина шундай қила олади. Бу ерда сўзаро бўлса-да шуни ҳам қайд қилиб ўтмоқ лозимки, юқорида келтирилган факт ёзувчининг катта ижод йўлига кира бошлаганидаёқ адабиётнинг баъзи чуқур назарий масалалари ҳамда қонуниятларини қанчалик яхши билиб олганлигидан ҳам далолат беради.

Умуман, унинг назарий билими тўхтовсиз орта ва чуқурлаша боради, бу эса ўз навбатида муаллифни тўлақонли бадий асарлар яратишини таъмин этган асосий ҳамда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

¹ «Шарқ юлдузи» журнали, 1954 й., 12-сон, 120-бет.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА УРНИДА	5
ЕЗУВЧИ БИОГРАФИЯСИДАН БИР НЕЧА ШИНГИЛ . . .	9
ДАСТЛАВКИ ИЖОДИИ ҚАДАМЛАР	20
НАФОСАТ ҲАҚИДА ЎИЛАР	31
ПОВЕСТДАН РОМАНГАЧА	40
ОТАШИН ПУБЛИЦИСТ	77
ХАЛҚ ҚУДРАТИ	95
«ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН»	121
СЎНГГИ СЎЗ	: 139